



*“Ижтимоий босим – ёш  
олимлар нигоҳида” мавзусидаги  
қишки мактаб*

*22-26 февраль, 2021 йил*

**Маҳалла ва оилани қўллаб-  
қувватлаш вазирлиги хузуридаги  
«Маҳалла ва оила» илмий-  
тадқиқот институти**

**Ўзбекистон Фанлар академияси  
Абу Райҳон Беруний номидаги  
Шарқшунослик институти  
Ёш олимлар Кенгаши**





*“Ижтимоий босим – ёш  
олимлар нигоҳида” мавзусидаги  
қишки мактаб*

# ДАСТУРИ



**22.02.2021** (биринчи кун)

<b>Вақти</b>	<b>Очилиш маросими</b>
<b>I СЕССИЯ</b>	
09:30-10:00	Иштирокчиларни кутиб олиш. Семинар тренинг очилишига тайёргарлик кўриш. “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти илмий ходими – <b>Малика Маҳмудова.</b> ЎзР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Ёш олимлар кенгаши раиси – <b>Ҳилола Назирова.</b>
10:00-10:15	<b>Кириш сўзи.</b> Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири – <b>Раҳмат Маматов.</b>
10:15-10:30	<b>Кириш сўзи.</b> ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори – элчи жаноблари <b>Джон МакГрегор.</b>
10:30-10:45	<b>Кириш сўзи.</b> “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти директор – <b>Нодира Эгамбердиева.</b>
10:45-11:00	Қишки мактаб ўқув дастури билан таништириш – ЎзР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Ёш олимлар кенгаши раиси – <b>Ҳилола Назирова.</b>
11:00 -11:30	<b>Кофе-брейк</b>



**22.02.2021** (биринчи кун)

<b>Вақти</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Машғулот олиб боровчининг Ф.И.Ш.</b>
<b>II СЕССИЯ</b>		
11:30- 13:00	Ўтмишда аёлнинг жамиятдаги ўрни: антропологик изланишлар.	<b>Фарход Максудов</b> ЎзР ФА Миллий Археология маркази директори, тарих фанлари доктори (DSc)
13:00- 14:00	<b>Тушлик</b>	
<b>III СЕССИЯ</b>		
14:00-15:00	Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан химоя қилиш бўйича қонунчилик ва амалиёт.	<b>Гулнора Ишанханова</b> БМТ лойиҳаларининг миллий эксперти
15:00-16:00	Оила мустаҳкамлигини таъминловчи устувор омиллар.	<b>Зиёдахон Расулова</b> ЎзР ФА Миллий Археология маркази етакчи илмий ходими (DSc)
16:00-16:30	<b>Кун якуни. Муҳокама</b>	<b>Фидбек</b>



**23.02.2021(иккинчи кун)**

<b>Вақти</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Машғулоти олиб боровчининг Ф.И.Ш.</b>
<b>I СЕССИЯ</b>		
10:00 -11:30	Культурная история дискриминации мусульманок в имперской и советской Средней Азии: традиции vs модерн.	<b>Даниил Мелентьев</b> Миллий тадқиқот университети аспиранти (Олий Иқтисодиёт мактаби, Москва)
11:30 -12:00	<b>Кофе-брейк</b>	
<b>II СЕССИЯ</b>		
12:00-13:30	Рассуждения о женской идентичности в современном Узбекистане.	<b>Бахтиёр Алимджанов</b> ЎЗР ФА ШИ докторанти (PhD)
13:30- 14:30	<b>Тушлик</b>	
<b>III СЕССИЯ</b>		
14:30-16:00	Ўзбек оиласида аёлнинг ўрни ва ижтимоий зўравонлик ҳоллари.	<b>Зулфия Каримова</b> Фейсбук ижтимоий тармоғидаги “Begoyim.uz” гуруҳи асосчиси, дефектолог
16:00-16:30	<b>Кун якуни. Муҳокама</b>	<b>Фидбек</b>



**24.02.2021 (учинчи кун)**

<b>Вақти</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Машғулот олиб борувчининг Ф.И.Ш.</b>
<b>I СЕССИЯ</b>		
10:00 -11:30	Ўзбекистондаги ислохотлар жараёни: муаммолар, вазифалар, ечимлар.	<b>Гулхумор Тўйчиева</b> филология фанлари доктори (DSc)
11:30 -12:00	<b>Кофе-брейк</b>	
<b>II СЕССИЯ</b>		
12:00 -13:30	Ўзбекистонда тил ва ёзув маданияти: яқин ўтмиш сабоқлари ва ҳозирги замон муаммолари.	<b>Зилола Ҳалилова</b> ЎзР ФА ШИ докторанти (PhD)
13:30- 14:30	<b>Тушлик</b>	
<b>III СЕССИЯ</b>		
14:30-16:00	Шарқ бадий адабиётида гўзаллик ифодаси.	<b>Ойсара Мадалиева</b> ЎзР ФА ШИ илмий ходими
16:00-16:30	<b>Кун якуни. Муҳокама</b>	<b>Фидбек</b>



25.02.2021 (тўртинчи кун)

<b>Вақти</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Машғулот олиб боровчининг Ф.И.Ш.</b>
<b>I СЕССИЯ</b>		
10:00 -11:30	Дискриминация – ногиронлиги бор шахсларга зўравонликнинг шакли.	<b>Лола Муминова</b> педагогика фанлари доктори, профессор
11:30 -12:00	<b>Кофе-брейк</b>	
<b>II СЕССИЯ</b>		
12:00-13:30	Актуальные задачи создания профилактической системы жестокости обращения над детьми.	<b>Гелена Хрульнова</b> РБИММ (PhD)
13:30- 14:30	<b>Тушлик</b>	
<b>III СЕССИЯ</b>		
14:30-16:00	Буллинг – мактаб ўқувчиларига ижтимоий сифатида.	<b>Нодира Эгамбердиева</b> фан доктори, профессор
16:00-16:30	<b>Кун якуни. Муҳокама</b>	<b>Фидбек</b>



**26.02.2021 (бешинчи кун)**

<b>Вақти</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Машғулоти олиб боровчининг Ф.И.Ш.</b>
<b>I СЕССИЯ</b>		
10:00-11:30	Девиант хулқ-атвор мотивлари ва унинг профилактикаси.	<b>Бахтиёр Сирлиев</b> Психология фанлари номзоди, доцент
11:30 -12:00	<b>Кофе-брейк</b>	
<b>II СЕССИЯ</b>		
12:00-13:30	Хизматда юзага келадиган зўриқишларнинг ҳарбий хизматчилар оиласига таъсири.	<b>Ғайрат Икматуллаев</b> педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
13:30-14:30	<b>Тушлик</b>	
<b>III СЕССИЯ</b>		
14:30-15:30	Оилада психологик зўравонлик, сабаб, оқибатлари ва уни олдини олиш.	<b>Раъно Исмайлова</b> Психология фанлари номзоди (PhD)
15:30-16:00	Яқуний қисм. Сертификатлар топшириш.	<b>Нодира Эгамбердиева</b> “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти директори <b>Ҳилола Назирова</b> ЎзР ФА ШИ Ёш олимлар кенгаши раиси







*“Ижтимоий босим – ёш  
олимлар нигоҳида” мавзусидаги  
қишки мактаб*

**ЭКСПЕРТЛАРИ**



## Нодира Мелибаевна ЭГАМБЕРДИЕВА



“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти директори. **Педагогика фанлари доктори, профессор.** UNESCO томонидан таъсис этилган ва Хитой Халқ Республикаси молиявий кўмагида амалга оширилаётган “Gender Assessment in Teacher Education in Asia” лойиҳаси эксперти. 2014 йилда Япониянинг Нагоя университетида ўтказилган “Social welfare in Uzbekistan” мавзусидаги халқаро семинар иштирокчиси. 2014-2019 йиллар Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси бошқаруви аъзоси. “Илм-фан ва аёл” уюшмаси раиси сифатида иқтидорли қизлар ва аёлларни илм-фанга йўналтирган.

“Ижтимоий педагогика”, “Оила педагогикаси ва психологияси” соҳасининг жамиятдаги тараққиётига катта ҳисса қўшаётган ва жамоатчилик эътирофига сазовор бўлиб келаётган олимандир. 150 дан ортиқ илмий-назарий ва услубий тадқиқотлари чоп этилган. Олима раҳбарлигида 20 дан ортиқ шогирдлари номзодлик ва докторлик диссертацияларини муваффақиятли химоя қилган.

## Ҳилола Баҳодировна НАЗИРОВА



ЎзР Фанлар академияси Ёшлар етакчиси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими, ва шу ташкилотнинг **Ёш олимлар кенгаши раиси**. O'zbekiston tarixi телеканалида “Tarixiy savol” кўрсатувининг ҳаммуаллифи.

Қизиқишлари: Ўрта Осиё ислом даври тарихи, Хива хонлиги, субальтерн тадқиқотлари (мазлумлар тарихи), қўлёзмаларни тавсифлаш, матншунослик, тарихий манбашунослик, кийим-кечаклар ва кийиниш маданияти тарихи.

1та илмий-танқидий матн ва 50 дан ортиқ мақола ва тезислар муаллифи. Россия, Туркия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларда халқаро конференциялар иштирокчиси ва грантлар соҳибаси. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қошидаги **“Bilimkent”** семинари таъсисчиси.

“Қўнғиротлар сулоласи тарихнавислигида Муҳаммадризо Огаҳийнинг “Зубдату-т-таворих” асари” мавзусида PhD диссертациясини ёзмокда.

## Лола Рахимовна МУМИНОВА



Республика болалар ижтимоий  
мослашуви маркази директор  
ўринбосари, педагогика фанлари  
доктори, профессор.

Бошланғич синф ўқитувчиси,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
ёшлар мураббийси.

Лектор, тренер, дефектолог  
кадрларни тайёрлаш, эксперт  
инклюзив таълимда юқори малакали  
кадрларни тайёрлаш, болаларда нутқ  
камчиликларини ўрганиш,  
абилитация, реабилитация  
технологияларни тадбиқ қилиш  
доирасида фаолият юритади.

200 дан ортиқ илмий ишлар:  
шулардан монографиялар, дарслик,  
методик ва дидактик кўлланмалар,  
мақолалар, тезислар муаллифи.

Илмий стажировкалар: Германия,  
Россия, АҚШ, Исроил, Тожикистон,  
Қозоғистон давлатларида халқаро  
конференциялар иштирокчиси.

Илмий лойиҳалар раҳбари.

## Фарход Алижонович МАҚСУДОВ



ЎзР Фанлар академияси Миллий археология маркази директори, **тарих фанлари доктори (DSc)**.

Евросиё даштларида, жумладан Ўзбекистон тоғли теграларида турк кўчманчи маданиятининг келиб чиқиши ва ривожланиш босқичлари масалалари билан шуғулланади.

Антропологик изланишларда табиий фанларнинг усулларидан фойдаланиш, биоархеологик, геоархеологик ва ландшафт археологик ёндашувлар ёрдамида жамиятнинг ривожланиш босқичларини ўрганади.

Фаолияти давомида 40 дан ортиқ маҳаллий ва халқаро илмий мақола ва бир монографияни чоп этган.

“Ўрта асрларда тоғли Уструшона кўчманчи маданияти” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган.

## Гулхумор Умматалиевна ТҮЙЧИЕВА



“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти “Оила кадриятларини мустаҳкамлаш ва оила психологияси” бўлим бошлиғи, **филология фанлари доктори (DSc).**

Форс адабиёти, поэтика, шеършунослик, шарқ филологияси, ислом цивилизацияси тарихи, Қуръон тафсирини рус тилига таржима қилиш, исломда хотин-қизлар ҳуқуқи, хотин-қизлар ҳаракати, гендер тадқиқотлар, конфликтология, медиация, давлатнинг ёшлар сиёсати, сиёсий партиялар қурилиши, таълим ва тарбия назарияси бўйича илмий ишлар муаллифи.

150 дан ортиқ китоб, монография, мақолалар муаллифи.

Халқаро малака ошириш: Ҳиндистон, Исроил, Эрон, Жанубий Корея, АҚШ, Австралия каби давлатларнинг халқаро малака ошириш курсларининг фаол иштирокчиси ва қатор грантлар соҳибаси.

## Зиёдахон Абдубориевна РАСУЛОВА



ЎзР Фанлар академияси Миллий археология маркази “Фанлараро тадқиқотлар” бўлими етакчи илмий ходими, **психология фанлари доктори (DSc)**.

Ижтимоий ва этник психология, ижтимоий-маданий антропология, психологик антропология, қиёсий-маданий психология, дин психологияси, этнопсихоллингвистика, тиббий психология; Оила ва никоҳ муаммолари: муносабатлари, анъаналари, стереотиплар, фарзанд тарбияси; гендер масалалари; этник ва диний идентиклик ҳамда суицид бўйича илмий изланишлар олиб боради.

90 дан ортиқ илмий, ўқув ва ўқув-услубий нашрлар муаллифи (жумладан, 1 та энциклопедия, 2 та монография, 2 та услубий қўлланма, 2 та ўқув қўлланма, 1 та методик қўлланма, 80 дан ортиқ хорижий ҳамда республика илмий журналлар ва конференция материалларида мақола ва тезислар).

“Ўзбек оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий ва этник психологияси” мавзусида докторлик ишини (DSc) ҳимоя қилган.

## Раъно Нураевна ИСМАЙЛОВА



“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти “Оила ҳуқуқи ва гендер тенглиги” бўлим бошлиғи.  
**Психология фанлари номзоди (PhD).**

Ижтимоий психология, ижтимоий антропология, оила психологияси, психодиагностика, психоконсультация, хотин-қизлар ҳуқуқи, оилада гендер тенглик, гендер тадқиқотлар, конфликтология, социологик тадқиқотлар бўйича эксперт.

20 дан ортиқ илмий мақолалар, 2 та амалий услубий қўлланма муаллифи. Франция, Германия, Исроил давлатларида халқаро илмий стажировкалар иштирокчиси ва нуфузли грантлар совриндори.



## Гелена Вячеславовна ХРУЛЬНОВА



Республика болалар ижтимоий  
мослашуви маркази “Ота-она  
қарамоғисиз қолган болалар  
муаммоларини ўрганиш” бўлим  
бошлиғи, **психология фанлари  
номзоди.**

Қизиқишлар доираси: ота-она  
қарамоғисиз қолган болаларнинг  
ижтимоийлашуви ва ҳуқуқларини  
ҳимоя қилиш масалаларини ўрганиш,  
деинституционализация жараёнини  
рағбатлантириш. Оғир ҳаётий  
вазиятга тушиб қолган болалар ва  
оилаларга ижтимоий, психологик ва  
ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.

70 та мақола, 21 та ўқув қўлланма  
муаллифи. Ижтимоий етимлик  
соҳасида мутахассис ва шу соҳа  
бўйича қонун ҳужжатлари  
ҳаммуаллифи.

Илмий иши мавзуси “Ўспиринларда  
стрессдан кейинги ҳолатларнинг  
психологик хусусиятлари”.

## Бахтиёр Абдихакимович АЛИМДЖАНОВ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти, **тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**.

Қизиқишлар доираси: иқтисодий тарих, сиёсатшунослик, ғоялар тарихи, ижтимоий тарих, тарих методологияси, тарих фалсафаси, постколониал тадқиқотлар, гендер тадқиқотлари.

55 дан ортиқ мақола, 1 та китоб, 3 та монография (хаммуаллифлик) муаллифи, 50 дан ортиқ халқаро конференциялар, конгресслар ва давра суҳбатлари қатнашчиси.

У қатор электрон нашрларнинг мутахассиси (“ЕвроОсиё, Экперт”, “Сабар”).

2017 йилда “Россия империясининг Туркистон умумий ҳукуматидаги иқтисодий сиёсати” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган (Санкт-Петербург давлат университети).

## Зилола Эркиновна ХАЛИЛОВА



ЎзР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти, **тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**.

Илмий қизиқишлари: ислом таълими, хотин-қизлар таълими, Марказий Осиё маданияти, таълим масалалари.

30 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

10 дан ортиқ халқаро (Германия, Россия, АҚШ) конференцияларда чиқиш қилган. АҚШ, Германия ва Польша университетларида илмий алмашинув дастурларида иштирок этган.

“1945-1991 йилларда Ўзбекистонда ислом дини таълимнинг ҳолати ва тарихшунослиги” мавзусида ҳимоя қилган.

## Ғайрат Зокирович ИКМАТУЛЛАЕВ



Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Педагогика ва психология кафедраси доценти, **педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**.

Қизиқишлар доираси: ҳарбий педагогика, ҳарбий психология, ҳарбий санъат тарихи, ҳарбий ҳуқуқ, олий ҳарбий таълим тизимида илғор педагогик технологиялар.

30 дан ортиқ мақола, 2 та дарслик (ҳаммуаллифлик), 3 та ўқув кўлланма, 1 та монография муаллифи, 40 дан ортиқ маҳаллий ва халқаро конференция, семинар ва давра суҳбатлари қатнашчиси.

## Ойсара Рустамовна МАДАЛИЕВА



### **Шарқшунос филолог.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва ЎзР Маданият вазирлиги хузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази кичик илмий ходими, Тошкент давлат шарқшунослик университети стажёр ўқитувчиси.

Қизиқишлари: адабий манбашунослик ва матншунослик соҳаси мутахассиси, навоийшунос.

Шарқ қўлёзмалари бўйича 2 та каталог ва 1 та китоб-альбом ҳаммуаллифи. 20 дан ортиқ мақолалари Ўзбекистонда ва хорижда нашр қилинган.

Туркий халқлар тарихи ва адабиётига бағишланган маҳаллий ва халқаро конференциялар иштирокчиси.

“Алишер Навоий девонларининг таркибий-қиёсий тадқиқи” мавзусида PhD диссертациясини ёзмоқда.

## Даниил Вячеславович МЕЛЕНТЬЕВ



Миллий тадқиқот университети  
Тарих фанлари мактаби гуманитар  
фанлар факультети (Иқтисодиёт  
Олий мактаби) **аспиранти** (Москва,  
Россия Федерацияси).

Қизиқишлар доираси: гендер  
тадқиқотлари, маданий тарих,  
шарқшунослик, феминизм,  
Туркистоннинг империя ва совет  
даври тарихи.

Қатор маҳаллий ва халқаро  
мақолалар муаллифи, бир қанча  
илмий семинарлар лектори (МГИМО  
Россия Фанлар академияси  
Шарқшунослик институти билан  
хамкорликда, Миллий тадқиқот  
университети Тарих фанлари  
мактаби гуманитар фанлар  
факультети, шунингдек ЎзР ФА  
Шарқшунослик институти Ёш  
олимлар кенгаши ва Ўзбекистон  
Республикаси Ёшлар ишлари  
агентлиги хамкорлигидаги  
лекторийлар).

## Гулнора Амановна ИШАНХАНОВА



**Хуқуқшунос.** ФАО-нинг гендер бўйича эксперти.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари ваколатхонасининг қонун устуворлиги, гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқлари бўйича миллий маслаҳатчи.

ЕХХТнинг Оиладаги зўравонликка қарши курашиш бўйича лойиҳасида эксперт-маслаҳатчи.

БМТ Тараққиёт Дастурининг Аёллар ҳуқуқлари ва гендерга асосланган зўравонлик лойиҳаси бўйича ҳуқуқшунос.

2001 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан **"Шухрат"** медали билан тақдирланган.

Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт Дастури лойиҳа иштирокчиси (Марказий Осиёда адвокатура ташкилоти ва фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик таҳлили, 2009 й.), БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) томонидан тайёрланган Марказий Осиё мамлакатлари одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари таҳлили, 2010 й.) шу ташкилот ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқлаштириш маслаҳатчиси.

БМТнинг болаларни муқобил парваришlash бўйича директивасини амалга оширишга қаратилган баҳолаш таҳлили (Боланинг сифатли парвариш қилиш ҳуқуқи, 2014 й.); Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан тайёрланган ННТ фаолиятини тартибга солувчи ЎзР қонунчилигининг таҳлили (2014, 2017 йй) муаллифи.

Марказий Осиё мамлакатларининг қамоққа олиш ва судгача босқичларни модернизация қилишнинг муқобил вариантлари тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилиги таҳлили муаллифи.

ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан инсон ҳуқуқлари, оиладаги зўравонлик билан боғлиқ судлар томонидан фуқаролик ишларини кўриб чиқиш билан боғлиқ кўплаб илмий тадқиқот лойиҳаларининг координатори (2018-2019 йй.).

"Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ва "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ аъзоси.

Юқоридаги соҳалар бўйича қатор қўлланмалар муаллифи.





## Зулфия Абдурахмоновна КАРИМОВА



### Дефектолог, психолог, блогер.

Мирзо Улуғбек туманидаги 375-сонли кўптармоқли мактабгача таълим муассасасининг дефектологи. Мактабгача таълим ходимлари учун психологик тренинглار ташкил қилади.

Қизиқишлари: психология, шеърият. Болалар шеъриятига ўз хиссасини қўшиб, шеър ва топишмоқлар ёзади.

Мактабгача таълим йўналишида дефектология соҳасида кўп йиллардан бери хизмат қилиб келади. Болаларда нутқни коррекциялашнинг замонавий услублари устида изланиб, малака оширмоқда. Фейсбук ижтимоий тармоғидаги “**Begoyim.uz**” гуруҳи асосчиси ва администратори. Ҳозирги кунда ушбу ўзбек аёлларининг муаммоларини кўтариб, муҳокама майдонига айланган.